

ЛАНДШАФТ АРХИТЕКТУРАСИНИНГ ЮРТИМИЗДА ТУТГАН ЎРНИ

Тошнӣёзов Отабек Хакимович

Тошкент архитектура-қурилиш институти Катта ўқитувчиси

Уткирбек Гайматов Махамаджонович.

Тошкент архитектура-қурилиш институти асистиенти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7442977>

Аннотация. Ушбу мақолада архитектура билан ўсимликлар дунёсини уйғунлиги ва уларнинг тарихдан бизга қай тарзда етиб келганлиги кўриб чиқилади ва инсон саломатлигига, экологияга таъсири ўрганилади.

Калит сўзлар: Концепция, инновация, урбанизация, пахса, терраса, органик архитектура.

РОЛЬ ЛАНДШАФТНОЙ АРХИТЕКТУРЫ В НАШЕЙ СТРАНЕ

Аннотация. В данной статье рассматривается сочетание архитектуры и мира растений и то, как они пришли к нам из истории, а также изучается влияние на здоровье человека и экологию.

Ключевые слова: Концепция, инновации, урбанизация, солома, терраса, органическая архитектура.

THE ROLE OF LANDSCAPE ARCHITECTURE IN OUR COUNTRY

Abstract. This article examines the combination of architecture and the plant world and how they came to us through history, as well as the impact on human health and the environment.

Keywords: Concept, innovation, urbanization, thatch, terrace, organic architecture.

КИРИШ

Мана бир неча йиллардан бери юртимизга ландшафт архитектураси санъати кириб келди ва кўзга кўринарли даражада ишлар олиб борилмоқда. Биноларнинг олди майдонларида, кичик хийобонларда, паркларнинг қайта таъмирлаш ишларида, хонадонларда умуман қаерга бормайлик ландшафт дизайни яққол сезилади. Бу санъат тури биз учун янгилик хисоблангани боис кўпчиликда ландшафт ўзи нима? қандай фанларни ўз ичига олади? вазифаси нимадан иборат? деган саволар туғилиши аниқ. Келинг аввало Ландшафт сўзига тўхталиб ўтсак: Ландшафт атамаси бундан юз йил илгари пайдо бўлган. АҚШда миллий боғларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. **Ландшафт** сўзи Немисча сўз бўлиб **Land**–ер, **schaft** –манзара яъни ер манзараси ёки манзарали ер деган маъносини англатади. Ландшафт очик муҳитда табиий элементлардан ташкил топади ва иқлим, рельеф, сув, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан боғлиқ. Одата ландшафтлар табиий ва антропоген ландшафтларга бўлинади. Табиий ландшафт фақат табиий омиллар таъсирида шакилланган ёки шакилланаётган ландшафтдир, унга инсон фаолияти таъсир этмаган бўлади. Антропоген (инсон фаолияти таъсир этган ландшафт) табиий ва антропоген омиллар таъсирида шакилланган ва шакилланаётган ландшафтдир.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ландшафт архитектураси - атроф-муҳитни табиий ва сунъий меъморчилик қурилмалари ва элементлари ёрдамида бадий кўринишни шакиллантириш. меъморий фаолият ва ландшафт яратишнинг назарий асоси.


Ландшат дизайни – хар-хил кўринишдаги ландшафт объектларини яратиш учун тузилган лойиха; ландшафт объектларининг сунъий элементларини бадий эстетик ва

экологик конуниятлар асосида муайян функцияларга мослаб яратишга қаратилган ижодай фаолият тури ҳисобланади. Ландшафт архитектураси, гулшунослик, тупрокшунослик, геология, иқлим, рельеф, сув хавзалари, география, хайкалтарошлик ва бошқа фанлар билан биргаликда иш олиб боради.

Муҳитни яхшилаш, иқтисодий барқарорлигини ошириш, аҳолини ўсишини таъминлаш яшаш муҳитини яхшилаш яшаш муҳитини ўзгарганига қараб кўкаламзорлаштириш ва Ландшафт архитектураси ўсади. Ландшафт архитектураси воситалари билан яхшиланиши эса чет-эл мамлакатларида ўтказилган тажрибаларида киритиб ўтилган. Бизнинг юртимизда ҳам ана шундай тажрибалар олиб борилмоқда ва натижада шаҳарнинг функционал, экологик ва эстетик сифатларини уйғунлаштириш ландшафт архитектурасининг асосий мақсади эканлигини кўрсатиб турибди. Ландшафт архитектураси илдинини, тарихини, изланишларини ўрганмай туриб ландшафт санъатини тушуниб бўлмайди, илдизи эса қадим иссиқ иқлимли Миср, Мессопотамия, Вавилон, Яқин Шарқ мамлакатлари ҳисобланади кейинчалик декоратив боғдорчилик Греция, Рим ва бошқа мамлакатларга тарқалади. Мисрда Фиръавн Аменофис III нинг лашкарбошларидан бирининг Фифадаги қабри тошида тасвирланган қадимги Миср боғлари тўғрисида суратлар чизиб қолдирилган. Бу шаҳарлар сояларга мухтож ҳисобланганлиги учун баланд бўйли, сояли дарахтлар экила бошлаган ва императорларнинг кичик боғлари вужуда кела бошлади, секин асталик билан хар-хил бутасимон ўсимликлар, геометрик шакиллар билан дарахтларнинг атрофига безак берила бошлади ва шу тариқа декоратив боғдорчилик шакиллана бошлади. Яна бир маълумот сифатида айтиш жоиски қадимги Мисрда сояли дарахт император саройларида ва зодагонлар хонадониди бўлган. Шу тариқа императорлар ўзларининг бойликларини, қахрамонликларини боғлари орқали намойон этишган. Булар қаторига Миср боғлари, Ассирия-Бобил боғлари Шарқ мамлакатларидан Мусулмон боғлари, Чорбоғларни мисол қилиб келтириш мумкин, ва хар-бир боғларда асосий элемент сув ҳисобланган. XVII-XVI асрларда Франция, Англияда гуллаб яшнади. 1850 йил Америка, Англия шаҳарларида боғ-паркларни лойиҳалари ва қайта тиклаш таклифлари киритила бошлади. Францияда уйғониш даври XV асрнинг 2 ярмидан XVIII асрнинг бошигача бўлган даврни ўз ичига олади, мана шу даврлар ичида бутун дунёга машҳур санъат асарлари яратилган. Булар сарасига Во Ле Виконд, Ланте, Де-эсте виллаларини кирита оламиз.



5



императорлар ўзларининг бойликларини, қахрамонликларини боғлари орқали намойон этишган. Булар қаторига Миср боғлари, Ассирия-Бобил боғлари Шарқ мамлакатларидан Мусулмон боғлари, Чорбоғларни мисол қилиб келтириш мумкин, ва хар-бир боғларда асосий элемент сув ҳисобланган. XVII-XVI асрларда Франция, Англияда гуллаб яшнади. 1850 йил Америка, Англия шаҳарларида боғ-паркларни лойиҳалари ва қайта тиклаш таклифлари киритила бошлади. Францияда уйғониш даври XV асрнинг 2 ярмидан XVIII асрнинг бошигача бўлган даврни ўз ичига олади, мана шу даврлар ичида бутун дунёга машҳур санъат асарлари яратилган. Булар сарасига Во Ле Виконд, Ланте, Де-эсте виллаларини кирита оламиз.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Мусулмон (Ўрта яқин Шарқ) мамлакатларининг поғ-паркларига алоғида урғу бериб ўтмоқчиман. Европа боғ-парк санъатининг гуллаб яшнаши мусулмон боғларига ҳам ўз

таъсиринин кўрсатмай қолмади. Шарқ боғларида Япон боғлари каби фалсафага чуқур йондашилган. Шарқ мамлакатларида иқлим иссиқ, серқуёш бўлганлиги сабаб боғларга кўшни мамлакатлардан келтирилган ўсимликлар екилган ва алоҳида аҳамият қаратилган, боғларга яняда чирой кўшиш мақсадида геометрик шакл ва гармония бир-бири билан уйғунлашган. Мусулмон боғ-паркларига ҳар-бир нарса фақат роҳатолиш учун яратилганва албатта таъкидлаб ўтиш жоиз Мусулмон боғлари роҳатбахш бўлгани билан Ислом қонунлари асосида тартибга солиниб турилган. Боғнинг ўқини ва бош беагини фавора ташкил этган, фавора шакли тўғри тўрт бурчак ёки тўғри чизик бўйлаб шакл берилган. (Ислом боғининг геометрик шакли тўрт йўналишда тўртта дарё оқиб чиқадиган жаннат боғи тўғрисидаги афсонанинг акс этирилиши бўлса керак. Масалан, Шарқона миллий гиламда Чорбоғ ғояси ифодоланган бўлиб, ўртагидаги “жаннат булоғи” ва ариғидаги дунёнинг тўрт тарафига ҳаётбахш сув таралмоқда. Чорбоғдаги тўртта боғда сайлгоҳлар, мевали дарахтлар, чаманзорлар, чаманзорларда эса мўъжаз гулзорлар кўрсатилган. Эҳтимол, мусулмонлар боғларининг бундай режалашнинг намунаси Маккани режаси бўлгандир, у ерда Каъба тоши ўрнатилган иншоот композициясининг марказидан тўртта перпендикуляр йўл чиққан. Бу иншоот «оллоҳнинг уйи» деб ҳисобланган ва унда ислом дини пайдо бўлгунга қадар Оллоҳга сиғинишган. Шундай қилиб, мусулмон боғидаги квадратлар Оллоҳнинг иштирокини ва унинг раҳмдиллигини англатиши керак эди.)¹

Шарқ мамлакатларида қуруқ ҳаво бўлганлиги учун сувни тежамкорлик билан ишлатиш шўллари ўйлаб топилган. Ўрта асрларга келиб бу боғ-паркларнинг кўп қисмлари вайронага айлантирилган. Архиологлар томонидан излаб топилган гиламлар, боғларнинг қолдиқлари ва суратлар асосида мусулмон боғларини тасавур қиламиз.

Ўрта асрларда тўхтовсиз урушлар, босқинлар, феодал бўлинганлилик декоратив боғдорчиликнинг инқирозга учрашига олиб келди. XX аср бошларида шаҳарлар ривожланиш сурати оша борди. Илмий-техник революция, шаҳарлар ўсиши, саноатнинг ўсиши қишлоқ ва йирик шаҳарларни экологик ҳалокат ёқасига олиб келди. Саноат корхоналаридан чиқайотган зарарли тутунлар атмосферани ва инсон саломатлигига таъсир кўрсатмай қолмайди. АҚШда ўрмонларнинг ўзлаштириб борилиши, ер ости қазилма бойликларини эгалланиши, саноат корхоналаридан чиқайотган чиқиндилари билан захарланаётган дарёлар, кўллар, бу рўй берайотган ходисаларнинг бари аҳолини танг ахволга солиб қўйди ва ақл-заковатни ишлатишларини талаб қилди. Ўшанда илк бор инсоният билан табиат бирлашишдилар ва ландшафт-табиат муносабатларига аҳамият бера бошладилар. Шу тариқа XIX аср ландшафт архитектурасининг шаклланиш даври бошланди. Барча муаммоларга барҳам бериш натижасида Ландшафт архитектураси мактаблари очила бошлади. Биринчи 1901 йил АҚШ Харвард университетида ландшафт архитекторларининг мактаби очилди. Англиянинг Кембридж шаҳрида 1948 йили 9 та мамлакат вакиллари ИФЛА Халқаро ландшафт архитектори федерациясини ташкил этишди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2010 йил 29 декабрдаги №322-сонли қарори асосида 2011-2015 йилларга мўлжалланган маданият ва дам олиш масканларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва улар фаолиятини янада такомиллаштириш дастури тасдиқланган эди. Бу дастурда 2011-2015 йиллар давомида юртимиздаги маданий ҳордиқ масканларини қайта реконструкция қилиш, аҳолини ҳордиқ чиқаришлари учун қулайликлар, шарт-шароитлар яратиш ишлари амалга оширилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2013 йил 13

августдаги №223 –сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикасида ландшафт дизайнини ривожлантириш дастури тасдиқланди. Ушбу дастурнинг мақсади аҳоли яшаш пунктларини ва фуқароларни дам олиш жойларини янада яхшилаш, сояли ўсимликларини шаҳар ичида кўпайтириш ва шаҳарларни кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш архитектурадаги экологик йўналиш бўлган ландшафт архитектурасига айланиши юзага келди.

ХУЛОСА

Ландшафт архитектурасида инженерлик иншоотлари, сунъий сув хавзалари, йўллар, йўл қоламалари, ҳиёбонлар, бадий декоратив санъат объектлари, қурилиш технологияси, агротехника ва ландшафтнинг сунъий элементларидан кенг фойдаланади, улар чамбарчас боғланган ҳолда яхлит композициялар ташкил этади. Ландшафт композициясида икки хил йориткичлардан фойдаланилади: Қуёш ва сунъий йориткичлар. Экилаётган ўсимликларни ҳам ўз тартиби билан жойлаштириш шарт: гуллаш мавсуми, ранги, баланд-пастлиги ва бошқалар инobatга олинади.

REFERENCES

1. Тухтаева, М. С., & Хидоятлов, Т. А. (2020). СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ ПРОЕКТИРОВАНИЯ ШКОЛ МУЗЫКИ И ИСКУССТВ. In *Архитектура и архитектурная среда: вопросы исторического и современного развития* (pp. 388-392).
2. Adilovna, Q. S. (2021). Features of the Design of Public Buildings in the Organization of Public Services. *湖南大学学报(自然科学版)*, 48(10).
3. Ozadovich, K. A., & Ismailovich, I. B. (2021). Issues of Organization of Service Sets on the Uzbek National Highway A-380. *Design Engineering*, 2582-2586.
4. Inogamov, B. I., & Khasanov, A. O. (2021). Taking Into Account Socio-Functional Factors in the Design of Housing. *Design Engineering*, 2587-2589.
5. Yunusov, S. H., & Qodirova, S. A. (2021). Issues Related to National Forms in the Architecture of Uzbekistan. *Design Engineering*, 10940-10943.
6. Adilovna, Q. S., & Ozodovich, X. A. (2021). REQUIREMENTS FOR THE PREPARATION OF INTERIORS IN SECONDARY SCHOOLS. *Emergent: Journal of Educational Discoveries and Lifelong Learning (EJEDL)*, 2(11), 74-77.
7. Ramatov, J., & Umarova, R. (2021). Central Asia in IX-XII Centuries: Socio-political Situation, Spiritual and Cultural Development. *Academicia Globe: Interdisciplinary Research*, 2(04), 148-151.
8. Qodirova, S. A., Aripova, N. A., Raximov, L. S., Turebaev, J. O., & Abdusalomov, U. X. (2021). Requirements For The Formation Of The Historical Structure And Internal Environment Of Secondary Schools. *The American Journal of Engineering and Technology*, 3(04), 60-64.
9. Qodirova, S. A., Raximov, L. S., Allayorov, K. O., & Sodiqov, M. M. (2021). Peculiarities Of The Buildings Of The Cultural And Educational Center. *The American Journal of Engineering and Technology*, 3(03), 1-6.
10. Abdujabbarova, M., Nazarenko, T., Begmatova, D., & Tuxtayeva, M. (2021). Industrial Production Of The Republic Of Uzbekistan. *The American Journal of Applied Sciences*, 3(11), 39-47.

11. Xushnazavovich, Q. R., Xammatovna, S. M., & Mirkamol o'g'li, S. M. (2021). Traditional Houses and Architecture of Kashkadarya. *European Journal of Life Safety and Stability (2660-9630)*, 12, 459-463.
12. Khasanov, A. O., & Allayarov, K. O. (2021). Residential Yurts Of The Ancient Nomads Of Central Asia And The Use Of Yurts In Tourism. *The American Journal of Engineering and Technology*, 3(01), 58-64.
13. Adilovna, Q. S. (2021). THE LINK OF CULTURAL AND EDUCATIONAL CENTERS TO THE SOLUTION OF THE PROJECT IDEA. *Emergent: Journal of Educational Discoveries and Lifelong Learning (EJEDL)*, 2(11), 92-95.
14. Ozodovich, X. A., Iqramovich, A. R., & Shaxnazarovich, R. L. (2021). Location of auxiliary rooms inside the living rooms in bukhara traditional residential areas.
15. Khasanov, A. (2020). Organizing Eco Tourism Along With Uzbek National Automagistrale Way. *Solid State Technology*, 63(6), 12674-12678.
16. Khasanov, A. (2016). About several infrastructure constructions of the Great Silk Road. *Int'l J Innov Sci Eng Technol*, 3(6), 295-299.
17. Ozodovich, X. A., & Azim o'g'li, N. A. (2021). Formation of the "Obod Mahalla" System in the Villages of Uzbekistan and Serving the Population. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI*, 1(5), 325-329.
18. Inogamov, B. I., & Khasanov, A. O. (2021). Taking Into Account Socio-Functional Factors in the Design of Housing. *Design Engineering*, 2587-2589.
19. Ozodovich, H. A., & Maribovich, Q. I. (2022). Improving the Design of Youth Innovative-Creative and Development Scientific Centers. *Eurasian Scientific Herald*, 7, 72-76.
20. TACI, A. K. About Several Infrastructure Constructions Of The Great Silk Road.
21. Mahmudov, O. Z. O., & Kasimov, I. M. (2021). THE STUDY OF THE GEOECOLOGICAL PROBLEMS OF A BIG CITY. *Academic research in educational sciences*, 2(4), 271-275.
22. Раззаков, С. Ж., Холбоев, З. Х., & Косимов, И. М. (2020). Определение динамических характеристик модели зданий, возведенных из малопрочных материалов.
23. Zokirjon o'g'li, M. O., & Kasimov, I. M. (2021). MODELING OF BUILDINGS. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 2(05), 772-781.
24. Dedakhanov, B., & Kasimov, I. (2022). ANCIENT ARCHITECTURE OF THE FERGHANA VALLEY FEATURES OF FORMATION AND DEVELOPMENT (ON THE EXAMPLE OF CIVIL ARCHITECTURE AND URBAN PLANNING). *Science and innovation*, 1(C6), 278-284.
25. Ozodovich, H. A., & Maribovich, Q. I. (2022). Improving the Design of Youth Innovative-Creative and Development Scientific Centers. *Eurasian Scientific Herald*, 7, 72-76.